


## I. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йил январь-декабрь ойларида вилоят корхоналари томонидан 12 832,5 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 107,5 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,8 % га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 17,1% га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 26,0 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 6,1 % га ўсиши ҳисобланади.

### **Январь-декабрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби** (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарии ҳажмига нисбатан %)



2017 йил

2018 йил

- █ Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- █ Ишлаб чиқарадиган саноат
- █ Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- █ Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

#### **Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш**

Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2018 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 31,8 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,2 % ни ташкил этди.


Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича кўмир қазиб олиш ҳажмининг – 2,7 % га, тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият тури ҳажмининг – 17,2 % га ошганлигини кузатиш мумкин.

### **Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишилаш саноати)**

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 12 176,2 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 94,9 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғининг ҳажми 6,2 млрд. сўмни, (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати – 102,1 %), ўрта-юқори технологияли – 1 495,3 млрд. сўмни, (105,7 %), ўрта-қуий технологияли – 4 303,8 млрд. сўмни (114,1 %), ва қуий технологияли – 6 370,9 млрд. сўмни, (102,9 %) ташкил этди.

**Январь-декабрь ойларида ишлаб чиқаришнинг  
технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да**



**Ишлаб чиқардиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан  
натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2018 йил январь-декабрь</i>	<i>2017 йил январь-декабрь ойига нисбатан, % да</i>
Пахта толаси	минг тонна	71,1	106,4
Ўсимлик ёғи (тозаланган)	минг тонна	21,3	130,3
Автомобил бензини	минг тонна	436,9	140,8
Дизел ёқилғиси	минг тонна	473,5	138,9
Портландцемент	минг тонна	946,1	93,6
Амоний нитрат	минг тонна, азот	130,9	106,6
Суперфосфат	минг тонна P2O5	17,4	123,1
Темир бетон маҳсулотлари	минг тонна	37,3	116,7

**Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш**

Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 549,2 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 4,3 % ни) ташкил этди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида саноатнинг мазкур тармоғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 26,0 % га ошганлиги кузатилди.

**Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндилярни утилизация қилиши**

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндилярни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 75,2 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,6 % ни) ташкил этди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида саноатнинг мазкур тармоғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,1 % га ошганлиги кузатилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат  
маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**

	млрд.сўм	<i>2017 йил январь-декабрга нисбатан фоизда</i>
<b>Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари хажми</b>	<b>12 832,5</b>	<b>107,5</b>
<b>Тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш</b>	<b>31,8</b>	<b>117,1</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>уладардан:</li></ul>		
кўумир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб олиш	0,3	102,7
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>12 176,2</b>	<b>106,8</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>ундан:</li></ul>		
озиқ–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	1 773,7	98,6
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	3 476,2	107,2
ёғоч ва пўқак буюмлар, похол ва тўқиши учун материаллардан буюмлар, қофоз ва қофоз маҳсулотлари, мебел ишлаб чиқариш	234,2	108,4
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	12,8	109,5
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2 282,2	109,8
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	1 305,3	97,2
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	4,0	97,6
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1 375,2	106,6
металлургия саноати	38,0	108,9


	млрд.сўм	<i>2017 йил январь-декабрга нисбатан фоизда</i>
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>549,2</b>	<b>126,0</b>
<b>Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>75,2</b>	<b>106,1</b>
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>4 568,1</b>	<b>103,2</b>
<i>шу жумладан:</i>		
озиқ-овқат товарлари	1 617,4	105,9
ноозиқ-овқат товарлари	2 950,7	101,9

### **Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш**


Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан (103,2 % га) ошишига таъсири кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуси эса 35,6 % ни ташкил этди.

### **Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби**

(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқарии ҳажмига нисбатан, фоизда)




**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да  
(январь-декабрь ойлари учун)**



**Худудларнинг саноат ишлаб чиқариши**  
Худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида, Фарғона шаҳрида (2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 120,7 % га), Марғилон шаҳрида (119,1 % га), Данғара тумани (118,4 % га), Фурқат тумани (109,1 % га), Қўқон (108,4 % га) шаҳрида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланди.


**Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари  
(ўтган йилнинг тегишили даврига нисбатан, % да)**



Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Фарғона шаҳри (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 34,0 % улушкини), Қўқон шаҳри (вилоят саноат ишлаб

чиқариш ҳажмининг 14,7 %), Кувасой шаҳри (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 7,5 %), Тошлоқ тумани (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 12,5 %), ҳиссасига тўғри келмоқда.


### **Худудларнинг вилоят жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши (2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**



#### **Саноат ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг ҳиссаси**

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришида кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг

мос даврига нисбатан 6,4 % га ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 35,8 % ташкил этмоқда.



Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Фарғона шаҳрида (15 537,0 минг сўм), Кувасой шаҳрида (10 592,8 минг сўм), Кўқон шаҳрида (7 650,4 минг сўм), Тошлоқ тумани (8 215,0 минг сўмни) да вилоят даражаси кўрсаткичидан юқорилигини кўрсатмоқда.

Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Фарғона шаҳрида (2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 118,7% га), Марғилон (117,6 % га), Кўқон (107,2 % га), Дангарा туманида (116,4 га), Фарғона ҳамда Бешариқ туманларида (107,7 га), Фурқат (107,4 га), Олтиариқ (107,2 га), Учку'прик ва Риштон (105,9 га) туманларида кузатилди.

**Худудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари  
ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда  
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**



Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ўртача истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Кўқон шаҳрида (2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 107,1% га), Марғилон (104,3 % га), Кува ҳамда Бувайда туманларида (104,9 % га), Боғдод (104,6 га), Данғара ва Бешариқ (103,5 га), Тошлоқ (103,4 га), туманларида кузатилди.